O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

*Қонун - ҳам қилич, ҳам қалқондир!*

# ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ–ОММАБОП ҲАФТАЛИК ГАЗЕТАСИ

1996 йил 30 январдан чиқа бошлаган | 2000 ЙИЛ 18 АПРЕЛ, СЕШАНБА | № 16 (168) | Сотувда эркин нархда

*Шу сонга хабар*

## ТАДБИРКОРНИНГ ҲУҚУҚ ВА БУРЧЛАРИ

Яқинда Тошкент вилоят адлия бошқармаси республика «Ҳуқуқий маърифат тарғиботи Маркази» ҳамда Тошкент Давлат юридик институти жамоалари ҳамкорлигида Чиноз туманида «Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари» мавзусига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Мазкур учрашувда тумандаги ўрта ва кичик бизнес билан шуғулланувчи тадбиркорлар, жумладан, ширкат, фермер ва деҳқон хўжаликлари раҳбарлари, туман фаоллари иштирок этдилар.

Анжуманда «Ҳуқуқий маърифат тарғиботи Маркази» директори, юридик фанлари номзоди, доцент Узоқ Бозоров «Адлия идораларининг тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги роли ва ўрни», Тошкент Давлат Юридик институти кафедра мудири, юридик фанлари доктори, профессор Бобоқул Ибратов «Тадбиркорларнинг ҳуқуқлари, бурчлари ва кафолатлари», юридик фанлари номзоди, доцент Самат Ҳамроев «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва уни сотишда шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таъминлашдаги айрим муаммолар» мавзуида маърузалар қилиб, йиғилиш иштирокчилари томонидан берилган барча саволларга назарий ва амалий мисоллар билан жавоб бердилар.

Анжуманда Чиноз туман ҳокимлиги, суди ва прокуратураси масъул ходимлари иштирок этдилар.

**Д.ТОЖИБОЕВ**

*Муносабат*

## ИЗЛАНИБ ИШЛАШ - ДАВР ТАЛАБИ

**Президентимиз И.Каримов деярли барча чиқишларида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолиятини четда қолдирмаяптилар. Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқларида ҳам ушбу жабҳада йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар, баъзи ходимларнинг бурчга хиёнат қилиб, жиноятга қўл ураётгани, ишга лоқайдлик билан қараши оқибатида вилоятда жиноятлар сони ортиб бораётгани рўй-рост танқид қилинди. Биз ёшлар ушбу танқидлардан тегишли хулосалар чиқариб, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш борасидаги фаолиятимизни давр талаблари даражасига кўтариш заруратини яққол ҳис этмоқдамиз.**

**Темирйўл туман прокуратурасида иш ўрганувчи сифатида фаолият бошлаганимга кўп бўлгани йўқ. Ўтган қисқа даврда ўнга яқин жиноий ишларни ўрганиб, терговни сифатли ва самарали олиб боришга ҳаракат қилдим. Бунда туман прокурори, 1-даражали юрист Муҳиддин Бекмуродовнинг бевосита раҳбарлиги ва кўрсатмалари катта ёрдам бермоқда. Тергов жараёни жуда ҳам нозик, санъаткорона ёндашувни талаб этадиган, етти ўлчаб бир кесадиган иш экан. Терговчи нафақат ўз касбини, балки фуқаролар руҳиятини, ижтимоий аҳволини, дунёқараши хилма-хиллигини, умуман, ҳаётни чуқур билиши билан ажралиб туриши керак экан. Ўшанда Юртбошимиз таъкидлаганидек, фуқароларни ноқонуний жавобгарликка тортиш ёки жазодан озод қилиш, тергов жараёнларини асоссиз равишда чўзиш каби салбий ҳолатларга йўл қўйилмайдиган бўлади. Устозларимнинг ана шундай талабчанлик билан иш ўргатаётганлигидан ғоят мамнунман.**

**Президентимиз Сурхондарёда жамоат назоратининг моҳияти, уни жойларда ўрнатиш борасида ғоят қимматли фикрлар билдирди. Улар жиноятчиликка қарши курашда катта аҳамиятга эга. Биргина мисол. Ўтган йил 4 октябрда Самарқанд шаҳар Акмал Икромов кўчасидаги хонадонлардан бирида яшовчи Юрий Халилов деган шахс маст ҳолатда турмуш ўртоғи Татьянага тан жароҳати етказади. У фарзандлари олдида ўта раҳмсизлик билан хотинининг кўкраги, қорни ва елка қисмига кетма-кет пичоқ уради. Татьяна оғир аҳволда шифохонага ётқизилади ва замонавий тез тиббий ёрдам бериш билан ҳаёти сақлаб қолинади. Охир-оқибатда Ю.Халилов 10 йил муддатга жазосини олди.**

**Хўш, салкам ўттиз йил бирга турмуш қурган, уч фарзандни вояга етказган бу оилани нима жин урди? Гап шундаки, кейинги йилларда ҳеч жойда ишламайдиган ва спиртли ичимликка ружу қўйган Юрий ичкиликка пул тополмаган пайтларда уйрўзғор буюмларини олиб чиқиб, арзон гаровга сота бошлади. Ҳатто уйни сотмоқчи бўлди. Топган пулига ичди, санқиди. Оқибат кўриб турганингиздек...**

**Бундай воқеалар ҳаётимизда учрамоқда. Нафақт ёшлар, балки ёшини яшаб қўйганлар орасида ҳам ичкиликка, гиёҳвандликка ружу қўяётган кимсаларга дуч келаяпмиз. Маҳаллаларда юқоридагидек ҳолатлар устидан жамоат назоратини ўрната олмаслик, ана шундай жиноятларга йўл очади. Жамоатчилик ва фаоллар, тили ва динидан қатъий назар маҳаллалардаги ҳар бир оиланинг тинч-осойишталиги учун масъулдирлар.**

**Умуман, жиноятчиликка қарши курашда ҳали кўплаб билим ва тажриба тўплашимга тўғри келади. Бу борада Президентимизнинг асарлари, устозларимнинг амалий тажрибалари ўз устимда мустақил изланиб ишлашимга мадад бермоқда.**

**Икром МАРДОНОВ,**
**Самарқанд шаҳар,**
**Темирйўл туман прокуратураси ходими**

*Хоразм томонларда*

## КУН ТАРТИБИДА: МАФКУРА, ТАРИХ ВА ТАРБИЯ МАСАЛАЛАРИ

Қадимий «Авесто» мамлакатиимз узоқ ўтмишда жаҳон тамаддунининг илк ўчоқларидан бири бўлганлигини тасдиқловчи энг ишончли манба ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси шу йил 29 мартда қабул қилган «Авесто» яратилганлигининг 2700 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги махсус қарори ана шу тарихий ҳақиқатни бутун жаҳон жамоатчилиги олдида намойиш этиш соҳасидаги саъй-ҳаракатларнинг ёркин намунаси бўлди. Кўҳна Хива шаҳрида ўтказилган илмий-амалий анжуман иштирокчилари якдил шу фикрга келдилар.

Конференция Республика Вазирлар Маҳкамасининг юқорида айтилган қарори муносабати билан Хоразм вилояти ҳокимлиги томонидан уюштирилди. «Авесто» - Ватанимиз тарихини ўрганишда энг муҳим манбаларнинг бири, деб эътироф этилди. Анжуманнинг бевосита ана шу ном билан аталгани боиси ҳам шу. Конференцияда республикамиз, шунингдек, Хоразм воҳасидаги қатор илм-фан ва маърифат даргоҳларининг қадимшунос ва жамиятшунос олимлари ғоят қизиқарли маърузалар билан чиқдилар. Маърузачиларнинг асосий қисмини илм-фан аҳллари ташкил этгани боис мунозара, мулоҳаза, баҳс ва муҳокаматалаб масалалар кўпроқ ўртага ташланди. Чунончи, Республика Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси доценти Т.Каримовнинг таъкидлашича, «Авесто» анъанавий Наврўз айёмининг бир неча минг йиллик тарихга эга эканлигини тасдиқловчи ёркин ҳужжатдир. Ал-Хоразмий номли Урганч Давлат университети профессори З.Дўсимовнинг фикрига қараганда «Авесто» яратилган тил қадимий Хоразм тилининг айнан ўзидир. Профессор М.Маҳмудов эса яна ҳам қизиқарли мулоҳазани баён этди. Унинг айтишича, «Авесто»да қайд этилган идора қилиш шакллари фақат Ўзбекистон эмас, балки бутун бир қитъа ёки минтақадаги олий, маҳаллий ва тармоқ бошқарувини уюштиришда ҳам катта аҳамият касб этади. Бу фикрни доцент М.Сафарбоев ҳам давом эттирди. У 3-7 минг йиллар муқаддам амал қилинган давлат бошқаруви ҳозирги замон идора усулларига ўхшаб кетишини ишончли далилларга суянган ҳолда баён этди.

***

Ал-Хоразмий номидаги Урганч Давлат университетида ўтказилган анжуман «XXI аср ёшлари» деб номланди. Табиийки, унинг қатнашчилари дорилфунун ёшлари бўлишди. Аммо анжуман ишида вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидан келган меҳмонлар: ҳокимларнинг мафкуравий масалалар бўйича ўринбосарлари, прокуратура, суд, ички ишлар, миллий хавфсизлик хизмати идоралари ходимлари, «Маҳалла», «Нуроний», «Камолот», «Маънавият ва маърифат» жамғармалари мутасаддилари, олимлар, шоирлар, ёзувчилар, журналистлар ҳам иштирок этдилар. Анжуманнинг ғайритабиий руҳи ва мазмуни иштирокчилар, айниқса, меҳмонлар эътиборини ўзига жалб этди. Гап шундаки, илмий-амалий конференция мақомида ўтган мазкур йиғиннинг нотиқ ва маърузачилари асосан талабалар бўлишди. Улар университетнинг салкам минг кишилик катта залига ташриф буюрган ваколатли меҳмонларга турли саволлар, таклифлар, талаб ва мулоҳазалар билан мурожаат қилишди, муаммо ва масалаларни кўндаланг қўйишди. Айрим ёшларнинг ишсиз, беэътибор, беназорат қолдирилиши турли номақбул хатти-ҳаракатлар, оқибат ва ҳодисаларга олиб келаётгани анжуманнинг ўзак масаласига айланди.

Анжуманда вилоят ҳокимининг муовини Б.Раҳимов, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати, университет ректори, академик А.Саъдуллаев сўзга чиқди.

* * *

Маънавий-маърифий тарбиянинг долзарб муаммоларига бағишланган бошқа бир анжуманнинг ташкилотчиси ҳам вилоят ҳокимлиги бўлди. «Миллий ғоя ва миллий мафкура-келажак йўли» мавзуидаги мазкур илмий-амалий анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президенти девони бош консультанти, исломшунос олим З.Ҳусниддинов, Президент девони консультанти, фалсафа фанлари доктори, профессор Қ.Назаров «Умуммиллий ғоя ва ислом омили», «Миллий ғояни шакллантиришнинг умумэтник асослари» ҳақидаги маърузалар билан чиқдилар. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ўртага ташланган «Ғояга қарши ғоя, фикрга қарши фикр, жаҳолатга қарши маърифат» шиоридан келиб чиқадиган муҳим хулосалар, вазифалар, йўл-йўриқлар ҳамда уни воҳа меҳнат аҳли онгига сингдириш, турмушига татбиқ этишнинг долзарб муаммолари атрофлича ифодалаб ва изоҳлаб берилди. Қизғин мунозара ва савол-жавоблар анжуманнинг қизиқарли ва таъсирчан ўтиши омилига айланди.

Анжуман ишида ҳуқуқшунос ва жамиятшунос олимлар, турли нодавлат ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, қалам аҳллари, шаҳар ва туман ҳокимликларининг масъул ходимлари иштирок этдилар.

**Абдулла СОБИРОВ,**
**«Инсон ва қонун» мухбири.**



*Қарор ва ижро*

## НОННИ ТАВОФ АЙЛАЙЛИК

Туманимиз маъмурий органларнинг фаол ҳаракатлари натижасида ўтган давр мобайнида қишлоқ хўжалик экинларининг пайҳон қилинишини олдини олиш борасида анчагина ишлар амалга оширилгани боис кейинги пайтларда бу хилдаги тартиббузарликлар сони ҳийла камайди. Дарҳақиқат, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 январдаги «Экинларнинг пайҳон қилинишига қарши кураш самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарори ҳуқуқ-тартибот идораларидан бу жабҳадаги саъй-ҳаракатларни янада жадаллаштиришни талаб этади. Зеро, қарорда экин майдонларига эътиборсизлик натижасида ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари сезиларли даражада нобуд бўлаётгани таъкидланган. Мазкур қарор асосида Республика Адлия вазирлиги олдига экинлар пайҳон қилингани учун қонуний жавобгарлик тўғрисида амалдаги қонун ҳужжатларини кенг тарғиб қилиш вазифаси қўйилганки, бу борада муайян дастурлар, тадбирлар ишлаб чиқилиб, жойларда улар қатъий режага асосан амалга оширилмоқда.

Бироқ айрим фуқаролар қишлоқ хўжалик экинлари майдонларини авайлаб-асраш ўрнига совуққонликлари оқибатида уларнинг пайҳон бўлишига йўл қўймоқдалар. Хусусан, туманимиздаги Янгиариқ жамоа хўжалигининг Равот қишлоғида яшовчи Насим Маматқулов ижарага олган «Алтай Т-4» русумли трактори билан Акрамобод жамоа хўжалигига қарашли ғалла майдонини босиб ўтиб, хўжаликка 5460 сўм зарар етказган. Ш.Рашидов номли жамоа хўжалигининг Жавдуқ қишлоғида яшовчи Орзу Раҳимов ва Сирожиддин Муродовлар ўзларига тегишли молларни қаровсиз қолдирганликлари боис Ш.Рашидов номли жамоа хўжалигининг 4-бригадасидаги ғалла экилган майдонни пайҳон қилиб, хўжаликка 700 сўмдан ошиқ зарар етказган. Бундай ҳодисалар шу қишлокда яшовчи Расулберди Хайруллаев, Янгиариқ жамоа хўжалигининг Алгар қишлоғида яшовчи Шавкат Турсуновларнинг эътиборсизликлари оқибатида ҳам юзага келган. Уларга нисбатан туман суди томонидан Маъмурий Жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 104-моддаси талаблари асосида қатъий жазолар қўлланилди.

Шу ўринда Маъмурий Жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 104-моддаси ҳақида қисқача изоҳ бериб ўтиш фойдадан ҳоли бўлмайди, деб ўйлаймиз. Ушбу модданинг 1-қисмида чорва моллари ёки паррандалари қишлоқ хўжалик экинзорларини пайҳон қилиши, далада тўплаб қўйилган ҳосилга зарар етказиши, кўчатларга шикаст етказиши каби ҳолатларга йўл қўйган фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан икки бараваригача миқдорида жарима солиниши белгилаб қўйилган. Шунингдек, экинзорлар ёки кўчатзорларга техника воситалари билан зиён етказган фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан икки бараваригача жарима солиниши ушбу модданинг 2-қисмида тайин этилган. Ушбу модданинг 3-қисмида эса юқоридаги каби ҳуқуқбузарликлар бир йил давомида такрорланганда, энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солиниши кўрсатилган.

Аммо ушбу қарорларнинг ижросига айрим қишлоқ хўжалик жамоаларида тўлиқ амал этилмаётгани боис бу хилдаги ҳуқуқбузарликлар туман суди томонидан кўриб чиқилди. Чунончи, тумандаги Қайроқли қишлоғида яшовчи Шароф Юлдашев, жамоа хўжалигининг ферма мудири Самат Холиқовлар Ургут туман ички ишлар бўлимининг ёзма тақдимномасини бажариш чораларини кўрмаганликлари сабабли маъмурий жавобгарликка тортилдилар.

Айтиш лозимки, бундай ҳолатларда фақат маъмурий жавобгарлик билан чекланиб қолинмайди. Келтирилган зарар миқдорининг кўплиги, ҳуқуқбузарликнинг такроран содир этилиши жиноий жавобгарликка ҳам сабаб бўлади ва ЖКнинг 198-моддаси билан малакаланади. Зеро, амалдаги Жиноят Кодекси 198-моддаси 1-қисмида эҳтиётсизлик натижасида экинзор, ўрмон ёки бошқа дов-дарахтларга шикаст етказган ёхуд уларни нобуд қилган, бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлган шахс энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд 3 ойгача қамоқ билан жазоланади. Шу модданинг 3-қисми бўйича юқоридаги ҳаракатлар қасддан қилинса ва етказилган зарар миқдори кўп бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдордаги жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд 3 йилдан 5 йилгача озодликдан маҳрум этиш чоралари белгиланган.

Тарихнинг шаҳодат беришича, аждодларимиз жуда қадим замонлардаёқ ерга дон сочиб, ҳосил йиққанлар. Қадимги Миср халқлари эса нонни илоҳий неъмат деб билганлар. Мана шундай шукроналик, нонни эъзозлаш аждодлардан бизгача ҳам етиб келган. Нонни тавоф айлаш, увоғини ҳам эъзозлаш - увол қилмаслик биз учун фарздир.

**А.ҲУСЕНОВ,**
**Ургут туман судининг раиси**

*Янги шабадалар*

## ЭЪТИБОРДАН ДАРАК

«Ўзини етакчи деб, раҳбар деб, карвонбоши деб ҳис қиладиган, ўз зиммасига раҳбарликнинг ўта оғир масъулиятини оладиган одам шу юртнинг ғам-ташвишлари, бир сўз билан айтганда, шу эл-юрт нафаси билан яшаши, ҳаёт кечириши керак» деган эди Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқида.

- Болам, - дея савол беради 80 яшар Аҳмад бобо, - вилоятнинг янги ҳокими ҳар бир туманга ўзи бориб, одамлар билан суҳбатлашаётган экан, уларнинг турмуши рўзғордаги каму-камчиликлари билан қизиқаётган экан, ростми?

- Ҳа, шундай.

- Э, болам, бу яхшиликдан дарак. Қилинаётган ҳар бир ишнинг овозаси бир пасда тарқалади. Халқ билан учрашиб юрган раҳбар кам бўлмайди. Юрти обод, эли тинч ҳаёт кечиради. Янги ҳокимимизнинг умри узоқ бўлсин, - дея юзига фотиҳа тортади отахон.

- Яқинда вилоят ҳокими Ангордаги бир дўконга кириб, аҳолига тақсимланаётган эҳтиёж моллари билан қизиқибди, шу ростми? - суҳбатга аралашади бобонинг ёнидагилардан бири.

- Рост...

- Бозорларни оралаб нарх-наво билан қизиқаётгани ҳам тўғрими?

- Ҳа, тўғри, - дейишади кўпчилик.

Қумқўрғон, Қизириқ, Бандихон туманлари ғаллазорларида бўлганимизда бу ердаги ҳашарчиларнинг сув йўлларини равонлаштираётганлиги, ғаллазорлар ҳашар ёрдамида бегона ўтлардан тозаланаётганига гувоҳ бўлдик.

Бу ҳудудлардаги қамиш босиб ётган юзлаб километрлик ерости сувини қочиришга мўлжалланган каналлар техника ёрдамида тозалана бошлаган экан.

- Қилса бўларкану, - дейдиганлар кўп бўлди.

Хуллас, янги раҳбариятнинг ташкилотчилиги туфайли ғайрат ва шижоат илдиз отаётганига гувоҳ бўлаяпмиз. Бу фаровонликка йўл деганидир.

**Собир ЁДИКОВ,**
**Сурхондарё вилояти**

*«Инсон ва қонун» текширади ва назорат қилади*

## «ТАҲРИРИЯТГА ШИКОЯТ ХАТИ КЕЛДИ...»

### ёки халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида нималар дейилган эди?

«Биз яшайдиган маҳалла Шеробод туман ҳокимлиги ва Э.Бердиев номли жамоа хўжалиги раҳбарлари учун ўгай, бегонадек».

Таҳририятимизга олис Сурхон воҳасининг Шеробод тумани Қуллуқшо маҳалласининг Оқтепа участкасида яшовчи Майсара Шобердиева ҳамда Баҳодир Эшқуловлардан келган мактуб ана шундай дардчил сатрлар билан бошланади. Мактуб бошдан адоқ ижтимоий турмуш чигалликлари ҳамда инсоннинг ҳаёт кечириши учун энг муҳим воситалар - тоза ичимлик суви ва табиий газнинг ҳанузгача келмаганлиги ҳақида боради. Мактуб муаллифлари «тежамкор» туман раҳбарларининг дастидан кечқурунлари электр чироқлари ўчириб қўйилаётгани, бунинг оқибатида тунлари ўқувчиларнинг дарс тайёрлай олишмаётгани, маҳалла кўчалари айни серёғин фаслда ботқоқ-лой, ёзда эса чанг-тўзон маконга айланиб қолиши ҳақида ёзар экан, мазкур муаммоларни газета саҳифаларида эълон қилиб, уларнинг ечимида кўмак беришимизни илтимос қилишган.

Мазкур маҳалла собиқ СССР «гуллаб-яшнаб», давлат ортиқча маблағни қаёққа сарфлашни билмай «боши қотган» даврларда «16-совхоз» ва ёки «Зарбдорлар қўрғончаси» деган номлар билан бунёд этилиб қолган. Бундан кўзланган мақсад Шеробод чўлларини обод қилиш учун «ғайрат» камарини маҳкам боғлаган чўлқуварларни турар жой бинолари билан таъминлаш бўлган. Минг афсуски, марказлардан олис, йўли ва бозори «чап тушган» замонавий қишлоққа кўчиб келишга кўнадиган анойиларнинг топилиши қийин бўлди. Тўғри, уй-жой қуришга эринган беш-ўнта ёш оилалар бу ернинг дастлабки «аҳолиси» бўлишганди. Янги қўрғондаги бошқа шинам, замонавий уйлардан эса молхона, омборхона ва ...хона ўрнида фойдаланиб келинди. Қурилиш материаллари, жумладан, шифер, тахта, эшик, дераза ромлари ҳамма даврда ҳам тақчил ва қиммат эди. Шу боис қўрғончадаги ўнлаб уйларнинг томларидан шиферлар ва тахталар, хоналарнинг ичидан эса иситиш қувурлари ва батареялар ўғирлаб, талон-тарож қилинди. Хуллас, собиқ СССР умрининг сўнгги йилларини яшаётган, иттифоқдош республикалар ўртасида олди-берди узилиб қолган 1990 йилларда бу посёлкага яна янги оилалар кўчиб кела бошлади. Албатта, ота-она бағридан ёш оилалар кўчиб чиқиб, бирор янги кўча ёки овул барпо этилса, ўша жой ҳазиломуз «отабезори» қишлоқ деб аталади. Айни чоғда таҳририятимизга хат ёзишган ҳамюртларимиз ўша атамага мос қўрғончада яшайдилар. Қишлоқ фуқаролари ҳаттоки ичимлик сувининг ҳар челагини «фалон» сўмдан сотиб олишаётганлигини айтишиб бизни лол қолдиришди. Маҳалла қўмитаси раиси Бобомурод Абдураҳмонов эса... Очиғи, баъзи-баъзида, ўзи педагог, ўқитувчи бўлсада, оғзига келган бадбўй гапларни қайтармай гапиравերадиган одам экан. Уни шикоят мазмуни билан таништирсам, туман ҳокимининг муовини Х.Азимовнинг кўз ўнгида: «Хатни тагига исмшарифи ёзилган одамлар эмас, балки фалон ғаламис ёзган. Ҳали қараб турсин, уйидан «варақа» топтириб бир қаматмасам, юрган эканман!» деса бўладими.

Хуллас, бу одамга ўзи раислик қилаётган маҳалла фуқаролари билан қўпол муомалада бўлмаслик кераклигини ҳоким муовини билан харчанд тушунтирмайлик, тушунмади. Топган гапи битта: «Бу ердагиларни сиз яхши билмайсиз, бўш кетсангиз, тепангизга чиқиб олишади!»

Хуллас, «ўн-ўн беш кун ичида жамоа хўжалиги раиси билан келишиб, қишлоқ кўчаларига тош тўкдирамиз, хатда келтирилган муаммоларни ҳал этамиз» деган маҳалла «отахони»нинг ваъдалари урғочи бўлиб чиқди. Таҳририятимиз энди Шеробод тумани ҳокими Абдимурод Лапасовнинг ушбу масалада аниқ бир чора-тадбир белгилашини кутиб қолади.

* * *

Юртбошимиз Ислом Каримов халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқларида вилоятда инсон ҳуқуқлари бузилаётгани, таниш-билишчилик, ошна-оғайнигарчилик иллатлари илдиз отиб бораётганлиги ва бу ҳолатга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар бепарво муносабатда бўлишаётганини қаттиқ танқид қилдилар. Вилоят ҳокими ва бошқа бир қатор «ҳал қилувчи» курсиларда ястаниб ўтирган раҳбарлар алмаштирилди. Тўғри, савдо дўконларида кундалик эҳтиёж учун зарур бўлган ун, пахта ёғи, шакар, чой каби товар маҳсулотлар сезиларли даражада кўпайди. Аммо...

Бир нарса аниққи, қозон қайнатиш учун бозор-ўчарни ўнлаб раҳбарларнинг ўзлари қилишмайди. Бир неча йилдирки, вилоят бозорларида маҳсулотларни тўғри ўлчайдиган тарози топа олмайсиз. Харидорлар пешона тери эвазига сотиб олинаётган озиқ-овқат ва айниқса, деҳқончилик маҳсулотларидан тарозида ярим килогача кам тортиш ҳоллари учрамоқда. Харидор ва деҳқоннинг «кушандаси» бўлмиш олибсотарлар стандарт талабларига жавоб бермайдиган тош-тарозуларни топиб олишган. «Посонги ўрнида ишлатаяпмиз» деган баҳонада носоз тарози палласини латталарга ўралган тош ва ғишт парчалари билан тўлдириб олишган. Ушбу ҳолдан қаттиқ норозиланиб Термиз шаҳар «Барчиной» бозори раҳбарига мурожаат қилдик. (Ҳолбуки, бу раҳбарнинг ишга тайинланганига бир ой бўлди, холос).

(Давоми 3-бетда)

Бизнинг мусоҳаба

# ФИДОЙИЛИК ТАЛАБ ҚИЛИНАДИ

*Нишон Қашқадарё воҳасининг жанубий минтақасида жойлашган. Туман ҳудудининг асосий қисми қўшни Туркманистон давлати билан чегарадош. Нишон, Янги Нишон, Нуристон, Таллимаржон шаҳарлари ҳамда 7 та қишлоқда 92 мингдан ошиқ аҳоли яшайди. Воҳанинг дашт ҳудудида жойлашганлиги ва аҳолиси нисбатан тарқоқ тарзда хўжаликларга бўлинганлиги боис жойларда жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда унга қарши кураш хизматини ташкил этиш туман ички ишлар ходимлари зиммасига ниҳоятда катта масъулият юклайди. Шахсий таркиб эса бу борада яхшигина тажрибага эга. Вилоят ҳокимлигининг бўлиб ўтган ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолиятига бағишланган сессиясида ҳам нишонлик ички ишлар ходимлари шаънига яхши фикрлар билдирилганди. Хўш, бундай муваффақиятларнинг омили нимада? Туман ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция подполковниги Сафар САРМОНОВ билан мусоҳаба ана шу фидойи касб эгалари ҳаёти ва фаолияти хусусида:*

**- Сафар Сармонович, таржимаи ҳолингиз кишида илиқ таассурот уйғотади: «Яккабоғнинг тоғолди Чимқўрғон қишлоғида туғилган. Оилада тўнғич фарзанд. Ҳарбий хизматга қадар шофёр. Сўнг олий маълумотли юрист фаолиятини ички ишлар тизимида оддий инспекторликдан бошлаган. Турли туман ИИБларида катта инспектор, жиноят-қидирув бўлими бошлиғи, бошлиқ ўринбосари, бошлиқ... «Жамоат тартибини сақлашдаги аъло хизматлари учун» медали нишондори...» Бир сўз билан айтганда, «милисалик» қон-қонингизга сингиб кетган кўринади. Газета ёки китобларда ёзилгандек, бу «хатарли ва машаққатли касб»ни танлашингизга нима сабаб бўлган?**

- Билмадим... Тақдир, шекилли. Ўша сиз айтган Чимқўрғон қишлоғининг Қизқўрғон тепаликларида қўй боқиб юрган болалик кезларимда китобга ошно тутинганман. Ҳар қандай жиноятчиларни фош этувчи, қўрқмас ва довюрак касб эгалари жасорати ҳақидаги асарларни бот-бот ўқирдим. Адабиёт ўқитувчимиз «Менинг орзуим» мавзуида иншо ёздирганда Ғофир деган тенгдошим «полвон», Номоз деган синфдошим «учувчи», яна бири «раис», ҳатто «шоир» бўламан деганлар ҳам топилганди. Мен узил-кесил қарорга келганлигим учун ҳеч иккиланмасдан «Милиционер бўлиш орзуим!» деб ёзгандим. Шу боис юрфакни тугатгач, ички ишларда ишлаш истагини билдиргандим. Бу борада илк устозим Очил Норхўжаев Қарши туман ИИБда бошлиқ эди. Бошқарма бошлиғи ўринбосари Қосим Ҳақназаров мени етаклаб, Очил ака ҳузурига олиб борганди:

- Шу йигитни ишга тавсия қилмоқчиман. Ўзи ўқимишли. Полвон. Жиноят ишига қизиқади. Хўш, қабул қиласизми?

Очил ака менга бошдан-оёқ синчков назар соларкан тўсатдан таҳдидона деди:

- Полвон! Менинг одатим ёмон... Ураман-да!

Мен албатта, бу сўзни «синов» тариқасида айтилганини ҳис қилгандим. Шу боис бўлажак бошлиқнинг кўзига тик боқдим:

- Ишламаса урасизми ёки ишласаям ураверасизми?!

Очил аканинг чеҳраси ёришиб кетганди.

- Ў-ў! Маладец! Бу йигитдан зўр милиса чиқади!

Албатта, хаёл бошқа, ҳаёт бошқа! Ҳаётда жуда кўп устозлардан ўрганганим, касбимга қисмат дея қараганлигим боис орзуимга эришдим, деб ўйлайман.

**- Агар сир бўлмаса жиноятчилик, тартиббузарликка қарши курашда нималарга алоҳида эътибор бериш керак, дея ўйлайсиз?**

- Айримлар наздида «Эртага ёки индинига қандай жиноят содир этилади ва у қандай кўринишда бўлади...» бу ҳақда олдиндан гўёки ҳеч нарса айтиб бўлмайди. Эҳтимол, шундайдир. Лекин «сабаб» ва «оқибат» деган фалсафий тушунчалар ҳам бор-ку?! Бошқача айтганимда, ҳар қандай жиноят ўз-ўзидан етилмайди. Кимдир унинг «уруғини» қадайди, кимдир пуштасига сув қўяди... Айтмоқчи бўлганим, милиционер халқи ўта сезгир бўлиши лозим. Кўзи, қулоғи ҳамиша одамларнинг кўксида бўлиши талаб этилади. Ана шунда жиноий ҳодисаларнинг пишиб етилишигача қўл қовуштириб кутиб олишга ҳожат қолмайди. Бунинг учун милиция ходим, айниқса, мавзе вакиллари ўзига бириктирилган ҳудуд, ундаги ҳар бир хонадон ва унинг аъзолари қай тоифа одамлар, уларнинг феъл-атвори, нима иш билан машғул эканликлари, қўйинг-чи, «дунёдаги бор гапдан» хабардор бўлиши зарур. Айтайлик, участкавой маҳалласида ойда-йилда кўриниш бермаса, иш вақти тугаган милиционер кўчада рўй бераётган тартибсизликни кўра туриб «кўрмаганга» олса, ДАН ходими постдан нарига қарашни хуш кўрмаса... унда уларнинг ўзи қонунбузарга айланиб қолмайдими?! Шу нуқтаи-назардан олганда, бўлимдаги 102 нафар ходимимизнинг ҳар бири аниқ иш дастурига эга. Уларнинг фаолиятини доимий тарзда назорат қилиб боришимиз ҳам талаб доирасидан четда қолмаяпти. Туманда жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича участка вакилларини тунги «смена» хизматга ўтказганлигимиз ҳам ўз самарасини бермоқда. Аҳолининг ўзида ҳуқуқ маданиятини ошириш, тартиббузарликларга қарши ҳамкорликда иш юритишни шакллантирмоқдамиз. Хусусан, туман ҳокимлиги қарори билан 15 хўжалик, ташкилот ва муассасаларда «Ўз-ўзини қўриқлаш бўлинмалари» ташкил этганмиз. Жойларда 24 та «Маҳалла посбонлари» ва уларнинг 81 нафар аъзолари ҳам бизга яқиндан кўмак беришмоқда. Маънавий-маърифий машғулотлар қаторида «Тозалаш», «Арсенал», «Назорат» каби тадбирларни мунтазам ўтказаётганимиз ҳам ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштиришда қўл келмоқда. Бунинг натижасида кейинги йилларда туманда оғир турдаги жиноятларнинг содир этилиши кескин камайди. Айтайлик, 1999 йилда содир этилган жиноятларнинг аксариятини ўғирлик, янаям очиқроқ айтилса, чорва молларини ўмариш ташкил этганди. Жорий йилнинг ўтган 2 ойида эса жами 39 та жиноят содир этилди. Уларнинг 14 таси ўғирлик, 1 та талончилик, 1 фирибгарлик, 9 та иқтисодиёт, 7 таси гиёҳвандлик ва бошқа турдаги жиноятлар. Қисқа муддатда бу жиноятларнинг 36 таси очилди. Ўтказаётган тадбирларимиз натижасида қўшни Тожикистон, Қозоғистон ва Россиядан келиб, дайдилик билан шуғулланиб юрган 16 шахс аниқланиб, Қарши фуқароларни қабул қилиш ва тарқатиш бўлимига юборилди. 12 нафар фуқародан ноқонуний сақлаб келаётган ов қуроллари олиб қўйилди. Қишлоқ хўжалик экинларини пайҳон қилиш бўйича 6 та ҳолат аниқланиб,суд орқали айбдорларга тегишли чора қўлланилди.

**- Ёшлар тарбияси, улар орасида жиноятчиликка мойиллик кўрсатиш, ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг содир этилишига эътиборингизни қаратмоқчи эдим...**

- Ёшлар тарбияси ҳамма замонларда ҳал этилиши лозим бўлган асосий масалалардан ҳисобланиб келинган. Сабаби маълум. Улар биз катталарнинг эртанги кун ворислари. Лекин медалнинг иккинчи томонини баъзан унутиб қўймоқдамиз. Айбнинг кўп қисмини уларга юклаяпмизу ўзимизга тегишли қисмини эса... Қизиқ факт. Геродот китобларини ўқинг. Унда ҳам шу гап: «Ёшлар тарбияси бузилиб кетаяпти. Улар бизнинг даврдагидай эмас!» ва ҳоказо. Айтмоқчи бўлганим, ёшларнинг жиноятга мойиллик кўрсатишига нима сабаб бўлмоқда, улар қандай муҳитда умргузаронлик қилмоқда, уларга қандай кўмак, ҳеч бўлмаса йўл-йўриқ кўрсатиш зарур?.. Бу ҳақда ҳам ўйлаш... Йўқ, ўйлашнинг ўзи билан иш битмайди, амалий ёрдам бериш керак. Мана бир ҳаётий мисол. Туманга ишга келгач, айрим мактаблардаги ўқишга келмаётган ўқувчилар тақдири билан қизиқдим. Ўқишдан совиш сабаблари турлича экан. Қайси бирини ўқитувчиси билан гапи қочган. Қайсинисининг оиласида етишмовчилик, бошқасининг ота-онасининг бефарқлиги... Лекин бу билан ҳеч ким қизиқмайди. Тарбиянинг энг осон усули: «Милисага топшираман!» дея қўрқитиш. Бу алмисоқдан қолган усул. Ҳали шаклланиб улгурмаган ёш бола ёки ўсмирни чўчитиб, милисага рўбарў қилиш унга оғир ботади. Чунки унда ҳам ғурур, иззат-нафс бор. Айби бўлса, ўқитувчи ўз ўқувчисидан узр сўраса, асакаси кетмайди, аксинча, обрўси ортади. Ота-она ҳам кун, кунора ўз боласи нима билан машғул, унинг дўстлари ким, ўқиши қандайлиги билан қизиқишса фойдадан холи эмас. Афсуски, ҳозир фарзанди нечанчи синфда ўқишини, аниқ билмайдиган ота-оналар ҳам топилади. Ўсмир мактабни тугатгач, уни ўқиш ёки ишга киритиш, бекорчи бўлиб юрмаслигининг олдини олиш ҳозирги даврнинг энг оғир муаммосига айланган!

Ёш оилаларнинг тақдири-чи?! Тўйларда уларга «оқ йўл» тилаймиз, ваъда берамиз, лекин никоҳ маросимидан сўнг уларнинг яшаш тарзи билан қизиқмаймиз. Ёш куёв рўзғорни тебратиш учун иш тополмай қийналаётгандир? Ёш келин янги хонадонга кўника олмаётгандир? Қайнона-келин, қайнисингил-янга... деган ўзбекона муроса-ю, мадоралар ҳам бор-ку?! Бу борада муҳтарам Президентимизнинг ҳар бир чиқишларида ёшларнинг жамиятдаги ўрни, уларнинг келажак камолоти хусусида сўз юритиб, ҳамжиҳатлик ва оқилона тарзда иш кўришликни талаб этаётганлари барчага дастур бўлмоғи лозим!

**- Суҳбат сўнгидаги тилагингиз.**

- Инсон ҳаётида шундай сониялар бўладики, бир умр қалбинг тўрида муҳрланиб қолади. Юртимизда истиқлол қуёши порлагач, шахсан Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари билан республикамиздаги 24 нафар ёш ички ишлар ходимлари Туркия Полиция Академиясида малака оширишга юборилганди. Бу бахтдан камина ҳам бенасиб қолмаганди. Ёдимда қолган яна бир ёлқинли хотира бор. У ҳам бўлса, Академияни тугатиш арафасида муҳтарам Юртбошимизнинг Туркия давлатига қилган расмий сафари ҳамда биз ёш ватандошлари билан ўтказган учрашувлари бўлганди. Ўшанда Анқара шаҳри Отатурк майдонидаги катта, нуфузли йиғинда Президентимизнинг бизларга қарата айтган оташин сўзлари ҳар биримизнинг дилимизда фахр туйғусини уйғотганди, ўз касбимизга бўлган меҳр ҳиссини яна жўш урдирганди... Бундан келиб чиқадиган маъни шундаки, ким қайси касбда бўлмасин, ўз соҳасида фидойилик кўрсатиши, ўз элига муносиб фарзанд сифатида хизмат қилиши зарур. Бу борада барча ҳамкасбларимга омад ёр бўлишини, толе кулиб боқишини тилаб қоламан.

**Суҳбатдош:**
**Муҳаммад ОЧИЛ**

---

*Қилмиш-қидирмиш*

# ИЙМОНСИЗЛИК



**Муқаддас Ҳадиси шарифда «Ватанни севмоқ иймондандир», дейилади. Дарҳақиқат, она-Ватанига содиқлик ўлчами ҳам иймонда. Иймонли одам она юртига садоқатли, фидойи ва меҳр-муҳаббатли бўлади. Унинг ҳар бир зарра бойлигини кўз қорачиғидай асрайди. Ватани ва унинг бойликлари билан қалбида миллий ғурур туяди.**

**Афсуски, орамизда иймони суст, фикри ожиз, пул деса қўпорадиган, жиғилдон дея ҳар нарсани ўмарадиган кимсалар учрайди. Уларнинг баъзилари бугунги кунда ор-номусдан юз ўгириб, кўча кезмоқда. Баъзилари одамлардан рангли металл парчаларини йиғади, бобо-момоларимиздан мерос қолган эски гилам ва сўзаналарни арзимас нархларга олиб четга чиқариб сотмоқчи бўлади. Кейинги вақтларда бундай «бизнесмен»лар рангли металлнинг нархини бироз оширган бўлди. Буни эшитган баъзи нопок ёшлар дуч келган рангли металл буюмларни ўмаришга тушди. Улар умумфойдаланишдаги электр, телефон симларига ҳам кўз олайтирадиган бўлиб қолдилар.**

**1999 йилнинг ноябрида Булунғур туманида яшовчи Ўктам Бозоров, Ҳусниддин Зоиров ва бошқалар ўзаро жиноий тил бириктиришиб, қўшни Жомбой тумани Н.Эсонтурдиев номли жамоа хўжалиги ҳудудидан ўтадиган «Самарқандсувқурилиш» бирлашмасига тегишли электр симёғочлардан етти қаватли 450 метр алюмин симни кесиб олишиб, сотиб юборишган.**

**Текин даромаддан иштаҳаси очилган бу кимсалар иккинчи бор яна шу жойдан 460 метр алюмин симни кесиб олиб, жуфтакни ростлаётганларида қўлга тушдилар.**

**Булунғурлик 25-30 яшар Мансур Абдуллаев ва Шавкат Бозоровлар ҳам мўмай, текин даромад ҳидини сезиб, кечалари ухлай олмадилар. Ниҳоят, қўлларига сим кесгични олиб, Н.Эсонтурдиев номли жамоа хўжалигининг 15 ва 16-бригадаси далаларидан ўтган электр линиясидаги алюмин симларига «ҳужум» бошладилар. Улар жорий йилнинг 2 ойи давомида уч марта ўғирликка чиқиб, ҳар гал 400 метрли 7 қаватдан иборат бўлган алюмин симларни ўмариб кетадилар.**

**«Бузоқнинг югургани сомонхонагача» деганларидек, ўғрилар қўлга тушишди. Ҳозир қонун олдида ер чизиб ўтиришибди. Қилмиш-қидирмиш-да, сим ўғрилари!**

М. СУЛТОНОВА,
Жомбой тумани
прокурорининг ёрдамчиси

---

*Орамиздаги одамлар*

# ҲУҚУҚ ИЛМИДАН МАЪРИФАТ УЛАШИБ

- Вақтингиз бўлса юринг, - деди Иззатулла Нуриддинов. - мактабга таклиф қилишган. Ўқувчилар билан учрашув бор.

Баъзан ҳуқуқшуносларнинг мактабга бориб ўқувчилар билан учрашув ўтказаётганини эшитиб қола-



миз. Лекин бунга ўзимиз камдан-кам гувоҳ бўлганмиз. Уларнинг ишлари кўп, қўллари тегмайди. Етти-саккиз километр йўл босиб, иссиқ жойни совутиб мактабга бориш, ёшлар билан мулоқотда бўлиш ҳамма ҳуқуқшуносларга ҳам ёқинқиравермайди. Таклифни эшитиб, бизда қизиқиш уйғонди. И.Нуриддиновга ҳамроҳ бўлдик. Йўл-йўлакай суҳбатимиз нотариус фаолияти хусусида борди.

- Авваллари, собиқ шўролар даврида нотариал ҳаракатлар унчалик кўзга ташланмасди, - деди Иззатулла. - Васиятнома, туғилганлик ва никоҳ тўғрисидаги гувоҳномалар, маълумот ҳақидаги шаҳодатнома, диплом сингарилар нусхаларини тасдиқлаб беришдан иборат эди. Эндиликда мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда биз нотариусларнинг фаолият доирамиз анча кенгайди. Ҳозир хусусий фирма, кичик корхона очган тадбиркорлар кўп. Ана шу юридик шахслар маслаҳат сўраб келишади. Уларга ҳуқуқий бурчи, масъулияти, шартнома тузишнинг қонуний шартларини ўргатамиз. Шартнома шартлари бажарилмаган тақдирда жавобгар ташкилотларга талабномалар киритиш, хўжалик суди орқали жавобгардан тўланмай келаётган қарзларни ундириш тартиблари бўйича юридик маслаҳат берамиз.

Оқтош шаҳри - Нарпай туманининг маркази. Шаҳар давлат нотариал идораси нотариуси Иззатулла Нуриддинов оқтошликлар ҳамда туман аҳлининг ҳурматини қозонган. Камтарлиги, камсуқумлиги, ишчанлиги билан эътибор топган. Шу боис уни ёшлар ҳузурига чорлаб туришади. Бу галги учрашув тумандаги Ойбек номли умумий ўрта таълим мактаби ўн биринчи синф ўқувчилари ҳузурида бўлди. Ҳуқуқшунослик фани ўқув дастуридаги «Ижтимоий-иқтисодий муносабатлар бўлими» бўйича ўтилган мавзулар юзасидан ўқувчилар билан нотариус ўртасида савол-жавоблар бўлди. И.Нуриддинов ўқувчиларга мулк ҳуқуқи, мерос, васиятнома, қарз ва ҳадя шартномалари бўйича бажариладиган нотариал ҳаракатлар хусусида тушунча берди.

Бундан ташқари нотариус Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил 26 декабрида қабул қилинган «Нотариат тўғрисида»ги Қонуни, қонуннинг 23-моддасига асосан нотариуслар амалга оширадиган йигирма иккита нотариал ҳаракатлар мавжудлиги, уларнинг ҳар бири замирида беш-ўнтагача ҳаракат турлари ётганлигидан ёшларни воқиф этди. Жонли, ошкора мулоқотга гувоҳ бўларканман, «Ёшларимиз ҳуқуқий билимларни ўрганишга қанчалик чанқоқ» деган фикр хаёлдан кечди. Бу бежиз эмас. Ахир, улар эртанги ҳуқуқий-демократик давлатнинг муносиб фуқаролари бўлишлари керак-да. Шу куни мактабда ўқувчиларгина эмас, ўқитувчилар ҳам зарур нотариал ҳаракатлар бўйича Иззатулла Нуриддиновдан юридик маслаҳатлар олишди.

Маълумки, нотариус ишининг сифати ва салмоғи бажарилган нотариал ҳаракатлардан йиғилган бож ҳамда кўрсатилган пуллик хизмат билан белгиланади. Шу йилнинг ўтган уч ойида И.Нуриддинов 498 та турли хил нотариал ҳаракатларни бажарган. Ана шу қилинган ишлар ҳисобидан бир миллион сўм давлат божи йиғилган. Фуқароларга ўн беш минг сўмдан кўпроқ пуллик хизмат кўрсатилган.

Эртаси куни кўчада тасодифан Иззатулла билан учрашиб қолдик. Китоб қўлтиқлаб олган экан.

- Кеча учрашувдан қайтгач, ўқувчиларга «Меҳнат қонунлари Кодекси» билан «Нотариат тўғрисида»ги китобларни совға қилишим керак, деган фикрга бордим, - деди у. - Мактабга кетаяпман.

Айрим одамлар биз журналистларни эҳтиросларга берилувчан деб ҳисоблашади. Шундайлардан биронтаси «Ол-а, бир соат дарсда қатнашиб, ўқувчиларга иккита китоб совға қилган нотариус ҳақида шунча қоғоз қоралашми?» дейишлари ҳам мумкин. Гап «Таълим тўғрисида»ги қонун, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»нинг жойларда муваффақиятли бажарилиши учун ҳаммаҳамманинг масъуллигидва. Юртбошимиз ва давр талаби тезроқ амалга оширишда Иззатулла Нуриддинов сингари фидойи ҳуқуқшуносларнинг хизматлари беқиёс. Ёшларга ҳуқуқ илмидан маърифат улашаётган бундай фидойи одамларнинг сафлари орамизда ортиши, юзлаб, минглаб бўлишидан жамият манфаатдор.

**Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
*Сураткаш: Абдулла ЎРОҚОВ.*

---

# «ПАЙҲОННИНГ КЎЗГА ЗИЁНИ БОР!»

## Сурхондарё вилоят ИИБ бошлиғининг ўринбосари, милиция полковниги Исо ҚАЛҚОНОВ билан суҳбат

**- Исо Тўраевич, вилоятда Вазирлар маҳкамасининг «Экинларнинг пайҳон қилинишига қарши кураш самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарори ижросининг таъминланиш кўлами ҳақида фикрингизни билсак.**

- Халқимизда содда тил билан айтилгану аммо олтиндан қиммат ҳикматли гаплар сероб. Шулардан бири «Кўк майсани оёқости қилма, кўзнинг нурига зиёни бор» деган нақлдир. Доннинг, деҳқон пешона терининг қадрига етиш, бобомерос удумдир. Хабарингиз бор, ўтган йили воҳада асосий ғалла майдонлари «занг» касаллигига чалиниб, режа бажарилмай қолгани оқибатида дон ва ун танқислиги сезилиб турибди. Бу йил вилоятимиз халқининг бутун



диққат-эътибори ғалла тайёрлаш йиллик режасини ошириб бажаришда. Бу айтишга осон. Эртанги хирмоннинг салмоғи бугун бизнинг майсазорларни пайҳондан қанчалар асрай билишимизга боғлиқ бўлиб турибди. Элчиликда, бир тоифа калтабин одамлар онгига «Давлатники ўғирланган билан тугаб қолмайди, экинзорида мол боқсанг, камаярмиди» деган нотўғри тушунча мавжуд. Мана шундай калтабинлик оқибатида вилоятимизда жорий йил март ойининг биринчи ўн кунлигига қадар 36,24 гектар ғалла майдони назоратсиз чорва моллари томонидан пайҳон қилиниб, хўжаликлар умумий миқдорда 425 минг сўмлик зарар кўришган. Кимларгадир ушбу кўрсаткичлар, рақамлар кичкина кўриниши мумкин. Аммо деҳқон заҳматини ҳеч нарса билан қоплаб, баҳолаб бўлмайди. Ғаллазорларни ва қорамолларни қаровсиз қолдириш борасида Узун тумани раҳбарлари айниқса, «рекорд» кўрсаткични қўлга киритишган. Ҳозиргача туманда жами 34 гектар майдондаги ғалла майсалари пайҳон қилинган. ИИБ ходимлари текширув ўтказишганда, ту-



мандаги «Серҳаракат» жамоа хўжалиги Обод участкасида яшовчи Маматмурод Ашуров уч бош қорамолини Ш.Соатов, Н.Бобоқулов, Д.Нормановлар бошлиқ бригадаларга қарашли ғалла пайкалларининг ўртасидан ҳайдаб келаётганлиги аниқланди. Суриштирув чоғида юқорида номлари келтирилган бригада бошлиқларининг ўзлари ўтиб-қайтиш учун ғаллазорнинг ўртасидан йўл «ихтиро» қилишиб, майсаларнинг пайҳон қилинишига имкон яратиб беришган экан. Натижада қисқа фурсатда хўжаликка 152 минг сўмлик иқтисодий зарар етказилган.

Айни пайтда ушбу иш юзасидан туман прокуратураси жиноий иш қўзғатган ва тергов ҳаракатлари олиб борилаётир. Худди ўша хўжаликда яшовчи Йўлдош Носировнинг ҳам уч бош қорамоли хўжалик ғаллазорларини пайҳон

Ризқ-рўзимиз

қилганлиги аниқланиб, туман суди томонидан жарима қилинди.

Фақат жазолашнинг, товон тўлашнинг ўзи билан иш битмайди, албатта. Биз вилоят телевидениеси, радиоси, баъзан республика газеталари орқали бу борада кенг тарғибот ишлари олиб бораяпмиз.

**- Агар «Ахборот» кўрсатувини кузатиб борсангиз, кўпгина вилоятларда ибрат учун чорва моллари қаровсизлик оқибатида экинзорларга тушиб пайҳон қилса ва ёки атайлаб ўзбошимчалик билан майсазорларда ўтлатилса, ўша фуқароларнинг шахсий сигир, қўйлари ўз-ўзини бошқариш органларининг қарорига мувофиқ сўйилиб, гўштлари Меҳрибонлик уйлари, боғчалар ва мактабларга, кам таъминланган оилаларга тарқатиб берилаяпти...**

- Бир қарашда шахсий чорва моллари сўйиб юборилган фуқароларга нисбатан қаттиққўллик, тошбағирлик қилингандек туюлади. Аммо фараз қилинг, пайҳон этилган ўнлаб гектар ғаллазорлардан қанча ҳосил олиниши мумкин эди. Айрим бадҷаҳл ҳамсоянгизнинг ҳовлисига товуғингиз ўтиб кетса, паррандангизни тош билан уриб ўлдириши аниқ. Давлатнинг, хўжаликнинг экинзорлари эса кўпчиликники...

Ахир, халқимиз эртанги ҳосил чўғидан умид қилиб, бугун ўша бепоён майсазорларга кўз тикиб ўтирибди-ку. Халқнинг ризқини оёқости, увол қилиш унинг кўзига чўп тиқиш эмасми?

Бир пайтлар калтаўйи болалар қўшнининг пайкалидан билдирмай, ўғринча беда ўриб кетиб, сигирларига беришса, буни сезиб қолган иймонли, диёнатли, ҳизрсифат қарияларимиз қаттиқ дашном беришарди. Ҳатто ўша куни соғилган сут тўла челакни, бедаси ўғринча ўриб келинган ҳамсоянинг уйига кўтариб боришар ва узр сўраб сутни ўшаларга тортиқ қилинар эди. Бугун ҳам болаларимиз онгига ўша эътиқодни, ҳалолликни сингдирмоғимиз керак, деб ўйлайман.

Ҳозирча моллари экинзорларни пайҳон қилган фуқароларга кўрилган зарарга қараб, суд томонидан жарималар қўлланилмоқда.

Гарчи деҳқон бўлмасамда, бепоён ғаллазорни айланиб, майсаларнинг туп сонлари тўлиқ эканлигига қатъий ишонч ҳосил қилдим. Ўтган йилнинг шу пайтида майсаларнинг сарғайиб, «занг» касаллигига чалиниш ҳоллари кўзга ташланар эди. Жорий йилги ижобий аҳвол эса бўлғуси ғалла хирмонларимизнинг мўл бўлишидан далолат беради. Улуғ ҳадисларда марҳамат қилинадики, «деҳқончилик муборак касб, унга қўриқчиларни кўпайтиринглар». Сурхондарё вилоят ички ишлар бошқармаси раҳбарияти воҳанинг экинзорларини пайҳондан, талон-торождан асраш мақсадида 263 та кузатув постлари ташкил этди. Жами 977 нафар милиция ходими пайкалларни айланиб юриб, майсазорларни уй ҳайвонларидан қўриқлаяптилар. Шунингдек, экинзорларнинг ўртасида хоҳ яёв, хоҳ уловда бўлсин, ўзбошимчалик билан сунъий «йўл» барпо этувчи беўй, виждонсиз кишиларга нисбатан тезкор чоралар кўрилмоқда. Ана шу мақсадда йигитларимиз фойдаланишлари учун 72 бош чопқир от ажратилган. Бир сўз билан айтганда, ғаллазорларни ва бошқа экин майдонларини пайҳондан асраш учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Бас, шундай экан, халқ ризқини кўз қорачиғидек асрашимиз шарт.

**Бахтиёр ОЛЛОМУРОД**
**суҳбатлашди**

**Суратларда:**
**1. Қумқўрғон тумани «Бешқаҳрамон» жамоа хўжалиги, 1-бўлимига қарашли ғаллазорлар ўртасида «барпо» этилган ёлғиз оёқ йўллар.**
**2. Денов туманида буғдойзорлар қорамоллардан қўриқланмоқда.**

**Бобоқул АБДУРАСУЛОВ**
**олган суратлар**

---

# ТАРБИЯСИЗЛИК КЎНГИЛСИЗЛИКЛАРНИНГ БОШИДИР

*Огоҳликка даъват тинмасин*

Очиғини айтсак, халқимиз орасида милиция ходимлари ҳақида ҳамиша ҳам ижобий фикр айтилавермайди. Хуллас, ким нима деса десину, лекин мен ана шу касб эгаларидан бири бўлган замондошим ҳақида эҳтиром билан сўзламоқчиман.

Орипжон Йўлдошев 1961 йили Андижон вилояти, Асака тумани, Оқбўйра қишлоғида туғилган. Обиджон ака ва Зебунисо аяларнинг олти қиз, икки ўғли бўлиб, Орипжон уларнинг тўнғичи эди. У отасининг ички ишлар тизимида ишлаб, эл-юрт олдида топган ҳурматига ҳавас билан қарарди, улғайгач отаси касбини эгаллашни орзу қиларди. Қарангки, фаришталар «омин» деган экан. У милиция ходими бўлди.

Орипжон бугун уч ўғил ва икки қизнинг отаси. Рафиқаси ўрта мактабда муаллима. Инсон дилдан тилаб, ният қилса, ўшанга етар экан. Ота касбига ҳавас қилган йигитнинг муроди ҳосил бўлганда, ўғлининг бўй-бастига ярашган зобитлик либосига қараб, севиниб дуо қилувчи онаси бор. Отажониси ўғил орзулари энди ниш урган чоғда - 1985 йилда вафот этди.

Орипжон олий милиция мактабини битириб, ички ишлар тизимига ишга келгач, бу соҳанинг ҳақиқий меҳнати-ю, заҳматини англади. Қийинчиликларни енгишни ёшлигидан одат қилгани учунми, ҳайтовур сарсону аросатда қолмади. Касб сирларини пухта эгаллагач, шу соҳа бўйича илмий иш ҳам қилишни бошлади, Ички ишлар вазирлигига қарашли Адъюнктурага ҳужжат топширди. Уни ёшларнинг жиноят кўчасига кириб қолиши кўпроқ ташвишлантирарди. Шунинг учун илмий ишига «Вояга етмаганлар ўртасида содир этилаётган жиноятларнинг олдини олишда ички ишлар идораларининг вазифалари» мавзусини танлади.

Ҳозирги кунда ҳали қирк ёшга ҳам кирмаган пайтда Андижон вилоят ИИБ жамоат тартибини сақлаш бўлимида бошлиқ ўринбосари вазифасида хизмат қилаётган подполковник Йўлдошев аҳоли ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишда ҳам астойдил изланмоқда, меҳнат қилмоқда.

- Юртбошимизнинг Олий Мажлиснинг кейинги сессиялари ва «Соғлом авлод» йилига бағишланган фаоллар йиғилишида сўзлаган нутқларини эшитиб, тўлқинланиб кетдим, - деди О.Йўлдошев. Ёшларни хато йўлга кириб қолишларидан сақлаш, республика миқёсида кенг кўламли тушунтириш олиб боришда «Маҳалла-оила-мактаб» концепциясини амалда ҳаётга татбиқ қилиш керак. Бунинг учун эса ҳуқуқий билимларимиз юқори бўлиши лозим, дея ҳисоблайди Орипжон. Шунингдек, яна унингча, нафақага чиққан собиқ раҳбар ходимлар, зиёлилардан жамиятимиздаги кемтикларни, яъни узилган алоқаларни тиклашда унумли фойдаланиш мумкин. Огоҳликка даъват шиори остида ҳар маҳаллада мунтазам учрашувлар ўтказилиши керак. Бу учрашувлар шунчаки расмиятчилик учун эмас, балки ҳақиқий, керак бўлса, эмин-эркин, ошкора ва баҳсли ўтсин. Токи халқимиз турли гуруҳлар таъсирига берилган ёшларимизнинг йўли хато эканлигини онгли равишда тушуниб етсинлар.

Бир болага етти қўшни ҳам ота, ҳам оналик қилади дейишади. Аммо ҳаётда баъзан биров қўшнисининг боласи нотўғри қадам босганини гапирса, ота-онасидан балога қолишини кузатамиз. Нима эмиш, «типратикан ҳам ўз боласини юмшоғим» дермиш. Айнан мана шундай тушунча баъзан инсоний ахлоқ нормаларимиз емирилишига сабаб бўлади. Тарбия издан чиққан жойда турли кўнгилсизликлар юзага келиши табиий. Жамиятдаги ўзгаришлар, келажагимиз равнақи ҳақида ўз қатъий дунёқарашига эга бу инсоннинг билимдонлигига тан бермай илож йўқ. Модомики, Орипжонлар бор экан, эртанги кунимиз тинч ва фаровон бўлади, деб умид қилиш мумкин.

**Нозим РАСУЛ,**
**журналист,**
**Андижон вилояти**

Тавба!

# ОВИ ЮРИШМАГАН ТУНГИ САЁҚ

Халқимизда: «Бир ёмон бир овулни тинчитмас» деган мақол бор. Тоғни урса талқон қиладиган ёшда меҳнатдан қочиб, ўзгалар тинч турмушига кўз олайтириб, бир эмас бир неча хонадондагиларни безовта қилган нодон йигитнинг қилмиши яқинда Навоий вилояти Нурота туман судида кўриб чиқилди. Суд ҳукмига кўра 21 ёшли Сирожиддин Худойқулов ЎзРЖКнинг 277-моддаси билан айбланди ва 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Ҳали чимилдиққа кирмаган навқирон йигит нима сабабдан ўз қадрини ерга уриб, бу кўйга тушди...

Сирожиддиннинг ҳеч кимда қасди йўқ эди. У билан бирор кишининг ўртасида ихтилоф ҳам пайдо бўлмаганди. «Ипак қурти учун - пилланинг ичи еру осмон» деганларидек, у бор-йўғи бир тўйга борди, улфатлари билан ароқ ичди. Сўнг 2 та мотоциклга 6 киши мингашиб Оққула қишлоғида яшовчи дўстлариникига меҳмонга боришади. У ерда яна 4-5 шиша ароқни симиришиб, кайфлари таранг бўлган йигитлар ўз қишлоқлари - Хайрободга етиб келишганда кеч соат $2^{30}$ бўлган эди. Улар ғулдурашганларича хайрлашиб, уй-уйларига тарқалишди. Шериклари тарқалиб кетгач, Сирожиддиннинг ўз уйига боргиси келмади, шекилли, қишлоқдоши Эсиргап Улашевнинг хонадонига йўл олди. Эсиргапнинг турмуш ўртоғи Зинура болалари ва Оққула қишлоғидан меҳмонга келган синглиси Нодира билан бир уйда ётишган эди. Тун қоронғусида уй ичида кезиб юрган шарпани дастлаб Нодира сезди ва опасини уйғотиб, уйда биров юрганлигини айтди. Опа-сингилларнинг ўзаро гаплашганини сезган шарпа иккинчи хонага ўтиб, эшикни қия очиб қараб турганида Зинура «Кимсан?» дея сўради. Жавоб бўлмагач, «Нодира, пичоқни олиб кел, ҳозир уни бурдалаб ташлайман» деди. Шу пайт шарпа ўзини деразадан ташқарига отди.

Орадан кўп ўтмай қишлоқ чеккасидаги даладан қайтган Эсиргап ҳовлида юрган кишини кўрди ва уни божаси деб ўйлаб, «Ҳа, божа» деди. «Божа» индамай нари кетгач, ташқарига чиқса керак, деб ўйлади ва уйга кирди. Бўлиб ўтган воқеани эшитгач, югуриб ҳовлига чиқди. Бу пайт ҳовлида ҳеч ким йўқ эди. Яна уйга кирди, шу пайт дераза тақиллади. Эсиргап ҳовлига отилди ва шарпани қидира бошлади. Уйнинг ён томонидаги тупроқ уюми орқасида кимдир қўллари билан юзини ёпиб олганлигини кўрди. Қайнисинглиси «Почча, уриб ўтирманг, милиция чақиринг» дегач, орқасига қайтаётганида ҳалиги кимса ортдан келиб, бўға бошлади. Эсиргап қаршилик кўрсатгач, унинг юзларини тимдалаб, қочиб кетди.

...Алқисса, Сирожиддин Худойқулов ўзининг ўша тунги дайдилик фаолиятини давом эттириб, энди ҳамқишлоғи Нуриддин Йўлдошевнинг уйига кечаси соат 3 ларда кириб борди. Нуриддин тўйдан ҳали қайтмаган эди. Унинг турмуш ўртоғи Саодат ётган хонага кириб олган тун дайдиси аёлнинг қўлидан тортди, тўшагидан турғизиб, зўрлик билан судраб, уйнинг ён томонигача олиб борди. Саодатнинг дод-войидан уйғониб кетган қайнонаси электр чироғини ёққан пайт дайди қочиб қолди.

Навбатдаги нотинчлик Эркин Улашевнинг хонадонида рўй берди. Соат тунги $3^{30}$ ларда ухлаб ётган Дилафруз кўрпаси кўтарилганда дастлаб уни эрим деб ўйлади. Нотаниш кимса эса унинг бўйнидан қўлини ўтказиб, чўнтагидан нимадир чиқариб кўрсатди. Дилафруз пичоқ бўлса керак, деб ўйлаб қўрқиб кетди. Турмуш ўртоғини чақирди. Чўчиб уйғонган Эркин хотинини кўтариб олиб чиқиб кетаётган эркакка кўзи тушди. Икки эркак ёқалашиб кетди. Болалар қўрқувдан дағ-дағ титрашди. Дилафруз кўчага чиқиб дод солиб, одамларни ёрдамга чақирди. Шу пайт кўчада Нуриддин Йўлдошев келаётган эди. Уни онаси тўйхонага бориб «Тез уйингга етиб бор, кимдир кириб хотинингни судради, чироқ ёққанимда қочиб кетди» деган эди. Нуриддин қўшниси Дилафрузнинг овозин эшитиб, ёрдамга шошилди ва безоридан икки тепки еди...

Тўполонни ИИБнинг навбатчилик қисми бартараф этди. Ароқ фақат ичганнинг эмас, атрофдаги одамларнинг тинч турмушига ҳам раҳна солиши ҳақида бот-бот гапирамиз. Негадир, Сирожиддин Худойқуловга ўхшаган айрим ёшлар бундай ўгитларни тушунишни исташмайди. Натижада аччиқ ароқ уларнинг ёш умрини заҳарлайди. Тунда маст-аласт изғиган дайдининг олган жазоси шояд шундайларга сабоқ бўлса. Ахир, саёқ юрган таёқ ейди, деб бежиз айтишмайди-да.

**Ўктам БОЙМУРОДОВ,**
**Навоий вилояти,**
**Нурота туман судининг раиси**

# ТАРБИЯДАГИ ТАНАФФУС ВА ҚАРИНДОШЛИК ИТТИФОҚИ

**«Ҳаёт ва қонун» журналининг 4-сони нашрдан чиқди**




Президентимизнинг миллий мафкурани шакллантириш тўғрисида куюниб айтган сўзларига ҳеч биримиз бефарқ қололмаймиз. Миллий мафкура авваламбор миллий тарбия асосида яратилади. Тарбия борасида донишманд халқимизнинг асрлар синовидан ўтган анъаналари - ёзилмаган қонунлари бўлганини яхши биламиз. Фақат шўро истибдоди йилларига келиб, тарбиянинг ҳам ҳаётбахш ўзанлари торайиб, қақроқ ҳолга тушган эди. Шу боисдан истиқлолнинг илк кунлариданоқ миллий қадриятларни тиклашга алоҳида эътибор берилди. Эндиликда бу интилиш - «Соғлом авлод учун» умумхалқ ҳаракатига айланди. Хуллас, тарбия Абдулла Авлоний айтганидай, биз учун ҳар доим ҳаёт-мамот масаласи бўлиб қолаверади.

Шу маънода «Ҳаёт ва қонун» журналининг янги 4-сони юридик фанлари номзоди, доцент Фарҳод Тоҳировнинг «Тарбияда танаффус бўлмайди» мақоласи билан очилиши бежиз эмас. Муаллиф бугунги кунда қонунбузарликларнинг маълум қисми мактаб ўқувчилари, талаба ёшлар чекига тўғри келаётганини ачиниш билан қайд этади. Ота-она тарбияси, маҳалла-кўй ва мактаб тарбиясида узилиш бўлар экан, албатта, ўсмирнинг жиноятга қўл уриши учун шарт-шароит етилади. Айрим ўсмирлар инсоний ирода шаклланадиган 14-15 ёшларда табиатан қўрслашиб, ўз имкониятларини, хатти-ҳаракатларини тўғри баҳолай олмай, салбий одатларга берилиб, лоқайд бўлиб қоладилар. Бу ёшда улар тезда мафкураси бузуқ кишиларнинг таъсирига берилиб, маст қилувчи ичимликлар, ҳатто гиёҳванд моддаларга ҳам «қизиқиб» қолишлари мумкин. Вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг 50 фоизи мастлик оқибатида юз беришининг ўзиёқ муаммо нақадар жиддий эканлигини кўрсатиб турибди.

Ёшларни турли экстремистик оқимларга берилган, шулар орқасида қўпорувчилик, талончилик, одам ўлдириш каби оғир жиноятлар қилиб юрганларнинг домига тушиб қолишдан сақлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 127-моддасида вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар ва жиноятга тортганлик учун алоҳида жазо белгилаган.

Муаллиф ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида ютуқлар билан бир қаторда муаммолар ҳам борлигини қайд этади. Жумладан, умумий таълим тизимида «Давлат ва ҳуқуқ асослари», «Ҳуқуқшунослик», «Ахлоқшунослик», «Ватан туйғуси», «Одобнома» каби фанларга оид керакли адабиётлар етарли эмас. Иккинчидан, бу йўналишларда таълим-тарбия берувчи малакали мутахассислар ҳам етишмайди. Учинчидан, ана шундай объектив ва субъектив сабаблар боис ёшларнинг ҳуқуқий билимларни ўзлаштиришга бўлган қизиқишлари бир қадар сусаймоқда.

Тошкент Юридик институти тадқиқотчиси Гулнора Иномжонованинг «Болаларнинг насл-насаби» номли мақоласи ҳам ушбу мавзуни тўлдиради. - Боланинг туғилиши юридик факт бўлиб, бу ҳодиса онанинг ихтиёрий ҳаракати билан боғлиқ бўлмайди, - деб ёзади муаллиф. - Агар она ўзи фарзандликка олишдан воз кечмаса, боланинг туғилиши айни вақтда янги оиланинг ташкил бўлиши факти, никоҳ фарзандликка олиш, амалий жиҳатдан эса тарбиялаш ва васийлик асоси ҳисобланади. Боланинг насл-насабини белгилаш факти оталик тўғрисида далолатнома ёзувларида қайд этилади. Шу тарзда бола ота билан қариндошлик иттифоқига киритилади. Никоҳдан ташқаридаги болалар ҳам отага ва унинг қариндошларига нисбатан худди никоҳда туғилган боладек ҳуқуқларга эга бўладилар. Аммо бу асосан мулкий ва мерос ҳуқуқига тегишлидир. Ёлғиз аёлда туғилган бола қариндошлик иттифоқига фақат она томонидан эга бўлиб, ота ва унинг қариндошларига нисбатан ҳеч қандай ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлмайди. Бола тарбиясида қариндошлик иттифоқи аъзоларига ҳам катта масъулиятлар юкланади.

Журналнинг ушбу сонидан ўрин олган Тимур Тилаевнинг «Назорат фаолиятини мувофиқлаштириш ва такомиллаштириш», Мукаррам Ортиқованинг «Сайлов қонунчилигининг ривожи», Абдуғафур Сатторовнинг «Турли мамлакатларда «Омбудсман» институти фаолиятининг ўзига хосликлари», Нурмат Сабуровнинг «Ҳуқуқий ахборот ва саводхонлик», Абдулла Собировнинг «Ижро масъулияти», Лола Саидованинг «Ўзбекистоннинг дипломатик фаолияти» каби мақолаларида ҳам долзарб муаммолар кўтарилгани, асосли фактлари билан ўқувчи эътиборини тортади. Айниқса, Салима Қиличеванинг «Бойнинг қизини севгандим...» мақоласи, «Шунақаси ҳам бўларкан...» рукни остидаги қизиқарли хабарлар журналнинг ўқишлилигини янада оширган. «Уч фитначи», «Ўғрибошининг хом хаёллари», шунингдек, Ғози Раҳмон қаламига мансуб «Тил куядиган қўшиқ» мансураси журналнинг мазкур сонига эътиборли бир бадиий-эстетик якун ясаганини кўриб қувонамиз.

**А.ХЎЖАМОВ**





*- Алло, ўртоқжон, бизникига меҳмонга келинг! — Боролмасам керак-ов! Чунки бугун қўғирчоғимнинг туғилган куни...*

**Суратлар муаллифи: Шавкат АКРАМОВ**




# ЯҚИН ЮЗ ЙИЛДА НИМА БЎЛАДИ?

**Бу савол деярли барча эсли-ҳушли инсонни қизиқтирса керак. Тўғри, аввало барчаси тақдири азал, Яратгандан. Лекин инсоният барибир шундай жумбоқ устида ўйлайверади, минглаб башоратчилар турли тахминларини ўртага ташлайверади, ўз билганича ўлчайверади.**

**Улар орасида жаҳон афкор оммаси бирмунча ҳақиқатга яқин деб ҳисоблаётган башорат яқинда эълон қилинган - АҚШнинг Массачуси технология институти олимларининг ҳисоб-китоби экан. Бу ердаги кўп сонли малакали математиклар, экологлар ва режалаштирувчилар дунёнинг барча мавжуд маълумотларини (ер, ҳаво, одамлар, коинот, психология, иқтисодиёт, сиёсат, фалсафа ва ҳоказо) энг кучли ва аниқ ишлайдиган компьютерларга жойлаб, юқоридаги саволга жавоб олишган.**

**Олинган «башорат» бирмунча ҳайратланарли, агарда:**

**- аҳолининг ўсиши ҳозиргидек давом этаверса;**

**- айрим давлат ва халқларда туғиш даражаси тартибга солинмаса;**

**- мавжуд ресурслардан фойдаланиш нафақат ўсиши, балки ҳозиргидек ҳажмда қолаверса ҳам;**

**- атроф-муҳит ва экологияга бўлган муносабат шу кунлардагидек давом этаверса;**

**- одамлар руҳиятида, ҳаётга муносабатида кескин ўзгариш юз бермаса, ер куррасида баъзи турдаги фалокат юз бериши мумкин экан.**

**Аммо компьютер бундай оқибатнинг олдини олиш йўлларини ҳам башорат қилибди: озиқ-овқат, товар ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишни тартибга келтириш, электр энергиясидан тежамли фойдаланиш, туғишдаги ким ўзарчиликни камайтириш, вайроначилик туғдирувчи, руҳиятга таъсир қилувчи омилларга муносабатни ўзгартириш ва ҳоказолар. Аммо бу ишларни бугун бошлаш керак экан. Сал вақт ўтгач, инсоният кеч қоларкан. Нима ҳам дердик! Бу ҳам бир тахмин, башорат, холос. Ҳар ҳолда «қарғанинг қағиллагани»дан нариси бўлмасин. Нима бўлганда ҳам... ўйлантиради. Келинг, биргаликда ўйлаб кўрайлик.**

**ОАВ хабарлари асосида тайёрланди**




**ЭЪЛОН**

Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани 19-ўрта мактаб маъмурияти томонидан 1995 йил 22 июнида берилган АО №018554 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

# МИСАСИЗ ЖИНОЯТГА ЯРАША ҲУКМ

**Дунёнинг ишлари**

*Покистонда мисли кўрилмаган жиноят содир бўлган ва шунга яраша суд ҳукми эълон қилинган.*

*Лоҳур шаҳрида кейинги йилларда ёш болалар, гўдакларнинг изсиз йўқолиб қолиш фактлари тез-тез содир бўлаётганлиги қайд этилаётган бўлиб, бу ишнинг изига тушиш оғир кечаётган экан. Ўтган 1999 йил охирларида полиция маҳкамасига бир хат келиб тушган.*

*Номи ва манзилини яширган хат муаллифи ўзининг бундан бир неча йил муқаддам ҳеч бир асоссиз полиция участкасига келтирилиб, беҳад қаттиқ калтакланганлиги боисдан қонун ҳимоячиларига жиноят нималигини кўрсатиб қўйиш учун ўзига ўхшаганлардан гуруҳ тузиб, болаларини назоратсиз қолдираётган ва тарбияси билан қизиқмаётган оилаларга тегишли гўдакларни «териб», ўлдириб юбораётганликларини, шу йўл билан полиция ва «ёмон» ота-оналардан ўч олаётганликларини билдирган.*

*Хат муаллифларини топиб бўлмаган, болаларнинг изсиз йўқолиш ҳоллари эса давом этаверган. Ва ниҳоят...*

*42 ёшли Жавод Иқбол исмли шахс қўлга олинган. У ўша - машъум хат муаллифи экан. Қилмишларини сўзлаб берганда кўпни кўрган полиция ходимлари ҳам титроқдан ўзларини босолмаган.*

*Жиноятчилар 4 киши бўлган. Жавод, унинг иккита шериги ва 13 яшар Собир. Полицияга ва ота-оналарида «алами» бўлган қотиллар салгина қаровсиз қолдирилган болаки бўлсин, турли йўллар билан ўзлари ин қуриб олган уйга келтиришар экан. Бу ерда алоҳида хона бўлиб, унда ванна ва каттакон идишда кислота сақлашаркан. «Ўлжа»ларини ечинтириб ваннага ётқизишар, сўнг устидан бўктириб кислота қуйишаркан...*

*Терговда фактлар тўла тасдиқланиб, тўрттала қотил ҳам ушланган. Улар жонига зомин бўлган болалар сони 100 дан ошиқ экан.*

*Яқинда Лоҳур шаҳар суди бу мисли кўрилмаган жиноят ва ваҳшийлар устидан ҳукм чиқарибди. Ҳукм ҳам жиноятга яраша мисли сиз: Жавод Иқбол 700 йил қамоқ жазосига, иккинчи жиноятчи 686 йилга, учинчиси 142 йилга ҳукм қилинибди. 13 яшар Собирга 42 йил турмада ўтириш белгиланибди. Қизиғи шундаки, ҳукмнинг иккинчи қисми ҳам бор экан. Унда барча қилмишларини яхлит баҳолаб, суд жиноятчиларни, улар ўлдирган болаларнинг ота-оналари ва яқинлари иштирокида ошкора бўғиб ўлдирилишини, сўнг эса улар танасини ўлдирган гўдаклар сонича - 100 дан ортиқ бўлакларга парчалаб, ҳар бир бўлаги алоҳида кислотага ботириб куйдирилишини эълон қилибди.*

*Таъкидлаш жоизки, Покистонда қотил устидан ҳукмни жабрланувчи - қурбонларнинг оила аъзолари ижро этиши мумкинлиги қонуний мустаҳкамланган.*

*Шу кунларда қотиллар устидан ҳукм ижроси бўйича апелляциявий мурожаатлар, шикоятлар, аризалар кўриб чиқилаётган экан.*

**ОАВ хабарлари асосида**
**Шерзод ҚИЛИЧЕВ**
**тайёрлади**

## Ҳуқуқий нашрлар




# ҲАММАГА КЕРАКЛИ КИТОБ

Олди-сотди. Бу муносабатга киришмайдиган шахснинг, хоҳ жисмоний, хоҳ ҳар қандай кўламдаги юридик шахс бўлсин, ўзи йўқ. Асрлар давомида шундай бўлиб келган. Сотилмайдиган ва олинмайдиган маҳсулот бўлмайди. Кимдир сотади, кимдир сотиб олади. Мулкнинг эгаси ўзгаради. Бозор ҳам, дўкон ҳам дала ҳам, ярмарка-ю, корхоналар, уй-жой, бинолар, электр энергияси, ер, автомобил, боғ, кўкат, олма, сут-қатиқ, сақич... Бугун бозор иқтисодиётига кириб борганимиз сари олди-сотди субъектлари, объектлари, маҳсулот тури янгича қиёфа, тур ва кўриниш касб этаяпти. Демак, китоб мавзуи барчага тааллуқли, ҳар куни ва ҳар доим керак.

Ўзбекистон Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси, юридик фанлари доктори, профессор Ҳожиакбар Раҳмонқулов меҳнатининг маҳсули бўлган ушбу китобда бугунги кунимизда фуқаролик институтларидан бири бўлмиш, юқорида таъкидлаганимиз, олди-сотди шартномаси ва унинг турлари кенг таҳлил қилинган.

Ундан олди-сотди муносабатларида сотувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, сотиб олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, товар миқдори ва ассортименти ҳақидаги шартлар бузилиши оқибатлари, маҳсулотнинг сифати, кафолати ва муддатлари, яроқли ёки яроқсизлиги оқибатлари, товарни идиш (ўрам)да топшириш ёхуд топширмаслик оқибатлари, чакана олди-сотди ҳаракатлардаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар, маҳсулот етказиб бериш, контракт, харид, энергия билан таъминлаш, кўчмас мулкни сотиш ва олиш, корхоналарни сотиш ва сотиб олиш каби барча муносабатлар ҳуқуқий талқини орқали ўрин олган.

Китоб қўлёзмаси Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси таҳририят -ноширлик кенгашида маъқулланган ва унга мазкур Академия бошлиғи, профессор Убайдулла Тожихонов сўз боши ёзган. Унинг тақризчилари - юридик фанлар доктори, профессор Бобоқул Ибратов ва юридик фанлар номзоди, профессор Р.Қаюмовлардир.

10 минг нусхада чоп этилган ушбу китоб ҳуқуқшунослардан ташқари тижоратчи тадбиркорлар ва товар истеъмолчилари - аҳолининг барча қатламига мўлжалланган.




# ЎЗГАРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР БИЛАН...

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги «Адолат» нашриёти Ўзбекистон Республикасининг **Божхона Кодекси**, **Бож тарифи** ва **давлат божхона хизмати тўғрисида**ги қонунларини, **2000 йил 1 январигача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар** билан алоҳида китоб ҳолида 10.000 нусхада босмадан чиқарди.

Маълумки, божхона ишлари мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатининг таркибий қисми ҳисобланади. Давлатимиз божхона чегараси орқали товарлар ва транспорт воситаларини олиб ўтиш, бож тўловларини ундириш, божхона расмийлаштируви, тегишли назоратни амалга ошириш тартиби ва шартлари, бунда иштирок этувчи хусусий ва юридик шахсларнинг муносабатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, рухсатлар ва таъқиқлар, валютага оид талаб ва тартиблар, товарлар миқдори ва ҳажми, имтиёзлар, ваколатлар, масъулият каби ҳолатлар ана шу мақсадни ойдинлаштиради. Улар қонунларда акс этади ва амалда бўлади.

Бугун мамлакатимиз ўз эшикларини дунёга, жаҳон ўз дарвозаларини бизга очган замонда бозор иқтисодиёти маълум даражада шаклланиб, хусусий шахслару юридик шахслар «дунё бозори» билан алоқа қилаётган, сафар қилиш имкониятлари тўла яратилган шароитда, божхона иши билан муносабатда бўлмаганлар жуда кам. Кимдир ўзи бўлмаса дўсти, қариндоши, оила аъзоси ёки ҳамкасби бу хизматга «дуч» келадиган замонда яшаяпмиз. Бунда тарафлар, иштирокчилар божхона қонунларини, бу муносабатларда ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхшигина таниб олиши тақозо этилади. Шундагина асаблар ноўрин бузилмайди, сарсонгарчиликларга ўрин қолмайди.

Бугун жамиятимизнинг барча жабҳаларида туб ислоҳотлар сафи йўлга отланган. Улар аввало қонунларда акс этади. Шу боисдан қонунларимиз такомиллаштирилмоқда, ўзгартиш ва қўшимчалар уларга янги куч, дастак тарзида киритилаяпти. Жумладан, божхонага оид ҳужжатлар ҳам.

Бежирим безакланган ва қулай тахланган мазкур тўпламдан Божхона Кодекси, «Бож тарифи тўғрисида»ги қонун ҳамда «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги қонунлар ўз янгиликлари билан ўзбек ва рус тилида ўринлаштирилган.

**«Инсон ва қонун» таҳририяти**

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

**Бош муҳаррир Файзулла ҚИЛИЧЕВ**

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ
Ғайбулло РАҲИМОВ
Парахат АЙТНИЁЗОВ
Бурхон БЕКМИРЗАЕВ
Шавкатжон МАВЛОНОВ
Неъмат АМИНОВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Сирожиддин РАУПОВ (Бош муҳаррир ўринбосари)
Узоқ БОЗОРОВ
Элмурод МУТАЛХЎЖАЕВ
Тўхтамурод ҲАСАНБОЕВ (масъул котиб)
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ
Нормейли НОРПЎЛАТОВ

**Индекс: 646882**
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририятида саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усули билан «ШАРҚ» нашриёт матбаа концерни босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-316 Тиражи-10.000. **Босишга топшириш вақти 21.00 Босишга топширилди 20.00**

Навбатчи: **А.ХЎЖАМОВ**
Компьютерда оригинал макет тайёрловчи: **У. ДЎСМАТОВ**
Компьютерда матн терувчи: **М. ДЎСТОВА**

700047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси 5. Тел,факс: (371) 133-24-41
«Инсон ва қонун» газетаси 1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141- сон билан рўйхатдан ўтган.

